23:50 Кириковен, Сергей Харитонов (Россия) против Андерсона Сильвы (Бразилия)

Чоршанба

09:00 Большой спорт
09:20 "Эволюция"
10:45 Большой футбол
11:05 Андрей Соколов и Сергей Астахов в фильме "Красная площадь"
14:30 "Танковый биатлон"
17:40 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Кулон Атлантов"
19:30 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Восток - дело тонкое"
21:15 Большой спорт
21:40 "Иду на таран" 12+
22:35 Алексей Кравченко и Александр Галибин в фильме "Летучий отряд. В тихом омуте"
00:25 "Я - полицейский!"
01:30 "Политон". Окно 02:00 Хоккей. КХЛ. "Лада" (Тольятти) - "Трактор" (Челябинск)
04:05 Андрей Мерзликин в фильме "Конвой PQ-17"

Пайшанба

06:00 Панорама дня. LIVE
07:20 Алексей Кравченко и Александр Галибин в фильме "Летучий отряд. Пятое дело"
09:10 "Эволюция"
10:45 Большой футбол
11:05 Алексей Макаров, Олег Фомин и Олеся Суздиловская в фильме "Отдел С.С.С.Р."
14:40 Михаил Ефремов, Валерий Золотухин и Андрей Смоляков в фильме "Приказано уничтожить! Операция: "Китайская шкатулка"
18:05 Большой спорт
18:25 Хоккей. КХЛ. СКА (Санкт-Петербург) - ЦСКА. Прямая трансляция
20:45 Большой спорт
21:05 "Танковый биатлон"
00:15 Алексей Кравченко и Александр Галибин в фильме "Летучий отряд. Пятое дело"
02:00 Смешанные единоборства. BELLATOR. Александр Сарнавский (Россия) против Даюна Гавдерсона (США)
02:55 "Рейтинг Баженова". Могло быть хуже
03:25 "Рейтинг Баженова". Самые опасные животные

04:05 Андрей Мерзликин в фильме "Конвой PQ-17"

Жума

06:00 Панорама дня.
LIVE
07:20 Алексей Кравченко и Александр Галибин в фильме "Летучий отряд. Стертые следы"
09:10 "Эволюция"
10:45 Большой футбол
11:05 Алексей Макаров, Олег Фомин и Олеся Суздиловская в фильме "Отдел С.С.С.Р."
14:40 "Найти и обезвредить. Кроты" 12+
15:35 Большой спорт
15:55 Хоккей. КХЛ. "Металлург" (Магнитогорск) - "Ак Барс" (Казань). Прямая трансляция
18:15 Большой спорт
18:30 Смешанные единоборства. M-1 Challenge. Прямая трансляция из Ингушетии
21:50 Большой спорт
22:00 "Танковый биатлон"
00:10 Хоккей. КХЛ. "Салават Юлаев" (Уфа) - "Авангард" (Омская область)
02:15 Смешанные единоборства. BELLATOR. Прямая трансляция из США

Шанба

06:00 Панорама дня.
LIVE
07:00 "Диалоги о рыбалке"
07:35 "В мире животных" с Николаем Дроздовым
08:05 Николай Добрынин в сериале "Байки Митяя"
10:45 Большой спорт
11:05 "24 кадра"
11:35 "Трон"
12:10 "Наука на колесах"
12:40 "Неспрыские вещи". Автомат Калашникова
13:10 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Остров смерти"
15:00 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Финал"
18:00 Александр Лазарев мл. и Сергей Астахов в фильме "Честь имени"
21:50 Большой спорт
22:10 "Танковый биатлон"

00:20 "Основной элемент". Мужчины vs Женщины
00:50 "Основной элемент". Мирный атом
01:20 "Несплохойной ночи". Хельсинки
02:15 "Человек мира". Каталония
03:10 "Максимальное приближение". Бутан
03:40 "Максимальное приближение". Париж
04:00 Профессиональный бокс. Геннадий Головкин против Марко Антонио Рубио. Бой за титул чемпиона мира по версиям WBA, WBC и IBO. Прямая трансляция из США

Якшанба

07:00 Панорама дня. LIVE
08:00 "Моя рыбалка"
08:30 "Танковый биатлон"
10:40 "Политон". Дневники танкиста
11:10 Большой спорт
11:25 Баскетбол. Единая лига ВТБ. "Астана" (Казхастан) - "Локомотив-Кубань" (Россия). Прямая трансляция
13:15 Большой спорт
13:35 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Кулон Атлантов"
15:25 Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Восток - дело тонкое"
17:20 Панорама. Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Экспедиция"
19:15 Премьера. Геннадий Казачков, Сергей Воробьев, Петр Логачев, Владимир Александров и Полина Сидихина в фильме "Позывной "Стая". Возвращение в прошлое"
21:15 Большой футбол
22:00 Профессиональный бокс. Геннадий Головкин против Марко Антонио Рубио. Бой за титул чемпиона мира по версиям WBA, WBC и IBO
23:55 "Эксперименты". Ведуходы
01:30 "За кадром". Русский след
02:30 "Человек мира". Камбоджа
03:25 "Максимальное приближение". Норвегия
04:10 Алексей Макаров, Олег Фомин и Олеся Суздиловская в фильме "Отдел С.С.С.Р."

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк қилариданоқ барча соҳаларда мазмун-моҳияти билан янги ўзгариш ва ислоҳотлар жадал суръатда амалга оширила бошланди. Хусусан, илм-фан ва таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, ёш авлодга ўз салоҳиятини намойиш этиш, жамият ривожига муносиб ўрин эгаллаш имкониятини яратувчи янги ривожланиш тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлаётди.

Айтиш жоизки, мазкур фармон мамлакатимиз ёш олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳужжат сифатида қувонч билан кутиб олинди. Ушбу фармонга кўра, олий малакали етувчи илмий-техник ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда сифатини ошириш, олий таълимдан кейинги кадрлар тайёрлаш тизимини икки босқичдан бир босқичга ўтказиш, фан номзоди тайёрлаш тизимини беқор

дан амалга оширилди.

Таъкидлаганимиздек, диссертация ҳимояси тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, хулосалари, тавсияларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, талабгорнинг фанга қўшган муносиб ҳиссаси бўйича илмий жамоатчилик олдида ўтказиладиган муҳокамасидир. Ушбу диссертация ишининг долзарблиги ҳозирги даврда бутун жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиши ҳамда уларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жорий этилиши билан қозғоли ҳужжат айланиши қозғосиз технологияларга ўтиб бо-



АҚТ да илм-фан

Жамият тараққиётига дахлдор изланишлар мамлакатимизда ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш пиروвардида амалга ошмоқда

қилиб, фақат фан доктори тайёрлаш тизимини жорий этиш, халқаро стандартлар талабларига тўла мослаштириш, диссертация ишларининг илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижод билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратишдан иборат этиб белгиланди.

Айни пайтда илм-фаннинг турли йўналишларида илмий тадқиқот билан шуғулланаётган ёш олимларнинг илмий салоҳиятининг юксалиши жоиз мазмун-моҳияти билан аввалгилардан буткул фарқ этувчи дастлабки докторлик диссертацияларини ҳимоя эта бошладилар.

Тадқиқотчи ёшларимиздан олти нафари фан докторлигини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Бу ишлар долзарблиги, янгилиги, мукамаллиги, ҳаётийлиги билан халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётди. Айтайлик, мамлакатимизда илмий асосланган ахборотлашган жамиятнинг йўлга қўйишда "Электрон ҳужжат айланиш тизимларида маълумотлар ишончилигини PR-ортиқчалик асосида таъминлаш усул ва дастурий-алгоритмик мажмуалари" мавзудаги докторлик диссертацияси муҳим аҳамият касб этаётди. Бу изланиш Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий кенгаш фан доктори илмий даражасига талабгор томони-

риши билан ҳам изоҳланади.

Докторлик диссертацияси мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиш тизимларида маълумотлар ишончилигини таъминлаш усул, модел ва алгоритмларни яратишнинг концепция, услубияти ва дастурий-алгоритмик асослари ишлаб чиқилгани, PR-ортиқчалikka эга бўлган объектлар синфлари электрон ҳужжат айланиши тизимларида ахборот ресурслари аниқлиги, яхлитлиги, тезкорлиги, ихчамлигини таъминлаш учун ажратиб қаралгани билан аҳамият касб этмоқда. Талабгор ишлаб чиққан модел, алгоритм, дастурий мажмуалар электрон ҳужжат айланиши жараёнида беқиёс қулайликларни тақдим этди.

Ушбу тадқиқот электрон ҳужжат айланиш технологияларини ишлаб чиқишда хатоларни назорат ва таҳрир қилувчи интерфаол тизимлар таркибида матнли маълумотлар ишончилигини назорат қилиш алгоритмларини синтезлаш усулларини яратишга ҳам имкон берди. Талабгор томонидан ишлаб чиқилган усуллар амалда жорий этилган усулларга нисбатан назорат мураккаблиги ва харажати 2-3 мартаба камайтириши аниқланган. Электрон ҳужжат айланиш тизимида визуал назорат мураккаблиги ва харажатлари тизимнинг ярим автоматлаштирилган ва тўла автоматлашти-

рилган шароитдаги мураккаблик ва харажатлари нисбатлари олинди ва қабул қилинган мезон коэффициентларининг 2-3 мартаба пасайиши тасдиқланган. Умуман олганда, ишлаб чиқилган усул, модел ва алгоритмлар самардорлиги намойиши бўйича 92 фоиз хатоларни аниқлайди ва бир, икки каррალი ва кўшма транспозицияли хатоларни тузатишга қодир, бундан ташқари, маълумотлар ишончилигини уч баробаргача оширади. Ишнинг самардорлиги халқаро миқёсдаги ишончилигини назорат қилиш масалаларининг аналитик ечимларини хато аниқланмаслиги эҳтимоли мезони бўйича олишга эришилади.

Шу ўринда яна бир халқаро тадқиқот ҳақида айтиб ўтасак. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда муҳокамага қўйилган докторлик диссертацияси инглиз тилида тайёрланди ва шу тилда ҳимоя қилинди. Ушбу тадқиқотта расмий оппонент сифатида тиббиёт фанлари доктори, Марбург университети профессори Бенедикт Жозеф Фолс Германиядан ташриф буюрди. У ишга юксак баҳо бериш билан бирга, жаҳон миқёсидаги илмий ва амалий аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Травматология соҳаси ривожигаги тенденцияларга қарамасдан, юздаги жароҳатлар узоқ муддатли хунуқлаштирувчи оқибатларга олиб келиши мумкин, — дейди профессор Бенедикт Жозеф Фолс. — Юздаги суяклар синиши доим ҳам самарали даволанмаган. Мазкур ишда беморларда юз-жағ суяклари ўткир қўшма жароҳатла-

рининг оғирлиги ва жойлашишига кўра диагностика ва даволаш усуллари такомиллаштирилган. Муаллиф таклиф этаётган "ADIL" компютер дастури юз скелети суякларни қўшма жароҳатини олган беморларни диагностика ва текшириш режасини тузишда қўллаш орқали қисқа вақт ичида беморнинг умумий ҳолатини ва ёрдам кўрсатиш алгоритмининг аниқлаш имконини беради. Бу янги ечим тадқиқот натижаларининг юқори даражада самардорлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотчининг изланишлари давомида эришган натижалари халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам муҳокама этиб келинмоқда. Талабгор докторлик диссертацияси мавзуси доирасида АҚШ, Германия, Чехия каби давлатларнинг нуфузли журналларида кўплаб мақолалар чоп этди. Бу каби мисоллар юртимизда турли ихтисосликларда ҳимоя қилинаётган докторлик диссертацияларининг халқаро талаблар ва стандартларга мослигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, бутунги кунда мустақил тадқиқотчи ва ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни илм-фанга жалб этиш борасидаги ишлар ўз самарасини бера бошлаганидан мамнунмиз. Ёш олимлар ўз илмий янгиликлари ва амалий тавсиялари билан мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги учун амалга оширилаётган ижодий бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, эришган ютуқлари билан мамлакат ва жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшадилар.

Мақсадхон ЯКУБОВ,
ТАТУ профессори

ҲАР КИМГА ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МАДАНИЯТ ЮТУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНДИ.

ДАВЛАТ ЖАМИЯТНИНГ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ГАМХЎРЛИК ҚИЛАДИ.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 42-модда.



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ ЖАМОАСИ

Барчани

9 октябр — Бутунжаҳон почта куни
билан табриклайди.



Дунё почта алоқаси тармоқлари билан
ҳамкорлигимиз янада кенгайиб, халқаро
майдондаги нуфузимиз мустаҳкамланаверсин!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Почта соҳаси ходимларини
9 октябр — Бутунжаҳон почта куни
билан муборакбод этади.

Почта соҳасида амалга ошираётган
ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.



Пахтаобод Андижон вилояти-
нинг чекка туманларидан
бўлиб, Қирғизистон билан
чегарадош. Туман анча гавжум:
170 мингдан ортиқ аҳолига
тармоғимиз почта алоқаси
хизматларини кўрсатади.
Туман почта алоқаси тармоғи
21та алоқа бўлимини бирлаш-
тирган бўлиб, 65 нафар
ходим ва хабарчи эл хизмати-
да. Почтачиларимиз ҳар ойда
3 миллиард 284 миллион
сўмлик пенсия ва нафақа
пулларини тарқатишди. Бундан
ташқари, сўнгги пайтларда
жорий этилаётган янги хиз-
матлар ишмига сифат ва
унум олиб кирди.

Почтачиларни “хайрли ва са-
вобли касб эгалари”, дейи-
шади. Бу қислашда жон бор, албат-
та. Пенсия ва нафақасини олган
отахону онахонлар, ёш фарзандли
аёллар борки, хабарчиларимизнинг
меҳнатидан баҳраманда.

Режаларни тулик уйдлашимизда
туман ҳокимлиги ва ҳамкор ташки-
лотларнинг ёрдами беқийс. Бундан
ташқари, кундалик фаолиятимизда
унча-мунча муаммоларни ҳал қилиш-
га тўғри келмоқда. Сабаб — хизмат-
ларимизнинг аксарияти бировлар-
нинг маблағи, яъни пул билан бо-
лиқ, турган гапки, бунда ҳушёрлик
ва ҳалоллик даркор. Тармоғимизда
олиб борилаётган тушунтириш иш-
лари натижасида ўтган вақтлар мо-

ALOQA KORXONALARIDA



Имкониятларимиз — халқимиз учун

байнида меҳнат фаолиятининг бу-
зилиши, пул маблағларини ўзлаш-
тириш каби салбий ҳолатлар куза-
тилмади. Қолаверса, ҳафтасига бир
марта маънавият ва маърифат кун-
лари ўтказиб турилади.

Газета-журналлар, хат-хабарлар,
почта жўнатмалари ва шошилинчо-
маларни ўз вақтида манзилига ет-
казиш биринчи галдаги вазифаларимиз.
Бунинг учун иккита “Дамас” автома-
шинаси доймо шай. Ходимларимиз
кейинги йил учун обуна кампанияси-
ни ҳам фаол олиб боришяпти.

Коммунал тўловларни йиғиш ҳар
бир ҳудуд бўйича тақсимланган ва
хабарчиларимиз ширинсўзлик,
касбий маҳорат бобида ўзларини
кўрсатишмоқда. Албатта, улар шун-

га яраша рағбатлантириб борилади.

Алоқа бўлимларимиз иншоотла-
рида, истеъмолчиларга қулайлик
яратиш мақсадида, замонавийлаш-
тириш ишлари амалга оширилди.
Зарур жиҳозлар, компютерлар кел-
тирилиб, электрон пул ўтказмалари
хизмати ишга туширилди, пластик
карточкалардан унумли фойдалан-
илмоқда.

Бу йил Пахтаобод туман почта
алоқаси тармоғи ходимлари режа
бўйича 469 млн. 896 минг сўмлик
иш бажаришлари керак. Ўтган сак-
киз ой мобайнида электрон пул
жўнатмалари режаси 129 фоизга (30,5
млн. сўм), жўнатмалар 102 фоизга
(2 млн. 975 минг сўм), турли на-
шрлар бўйича 119 фоизга (46 млн.

598 минг сўм) уйдланди. Бунда
тарғибот-ташвиқот ишларини на-
мунали йўлга қўйган алоқа бўлим-
ларининг алоҳида ҳиссаси бор.
Жумладан, Пахтаобод-3 алоқа бўли-
мидан Файзулло Отабоев, Бўстон
алоқа бўлимидан Матлубахон Адил-
боева, Ҳилла алоқа бўлимидан Ма-
масоли Саидов, Пахтаобод-2 алоқа
бўлимидан Илҳомжон Жалоловлар
топириқ ва вазифаларни яхши
бажариб, ҳурмат қозонишяпти.

Шунингдек, ходимларимиздан
Қимматхон Самсақова, Ўғилхон
Аббосова, Дурдона Норматаматова,
хабарчилар Каримжон Ҳусанов,
Маъруфжон Алиохунов, Бурҳонжон
Қаюмовлар чин маънода ўз касби-
нинг усталари бўлиб, уларнинг меҳ-
натини қадрлаймиз.

Аҳил жамоамизнинг мақсадлари
ҳам муштарак — хизматлар сон ва
сифатини, халқимиз турмуш фаро-
вонлигини ошириш йўлида бор им-
кониятларимизни ишга солиб меҳ-
нат қилаверамиз.

Фозилжон ОРТИҚОВ,
Пахтаобод туман ПАТ бошлиғи,
Тўраҳон ҒАФУРОВ,
журналист

Радиохлақитлар нима?

Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни (1998 йил 25 декабр) 2-моддаси 8-хатбоши ҳамда 15-моддасида индустриал радиохлақитлар тўғрисида "Яратилаётган, лойиқлаштирилаётган, ишлаб чиқариладиган ва ишлатилаётган турли техник воситаларнинг техник таъсирномалари радиохлақитларнинг эҳтимол тутилган манбалари (электр транспорти, электр узатиш линиялари, электр асбоблари, автотранспорт воситалари ва бошқалар) тарихида индустриал радиохлақитларнинг йўл қўйилган даражалари нормаларга мувофиқ бўлиши керак" деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги Радиочастота спектрини саноат радиохлақитларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги низоми ҳамда "Радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашуви. Индустриал радиохлақитлар манбаларини синаш методлари" О'з Dst 1032:2010 Ўзбекистон Давлат стандартларида ҳам радиоэлектрон воситаларга ва юқори частотали қурилмаларга таъсир қилаётган индустриал радиохлақитлар тўғрисида сўз юритилган.

Индустриал радиохлақитлар — радиотўлқинларни узатиш учун мўлжалланмаган техник воситалар томонидан ҳосил бўладиган радио-частоталар спектри диапазонидаги электромагнит нурланишлардир.

Индустриал радиохлақитлар техник воситалари: кучайтириш, генерациялаш, қайта ўзгартириш, қайта улаш ва хотирада сақлаш каби бир ёки бир нечта функция-



ларни бажарадиган электрон компонентлар ва (ёки) схемаларни ўз ичига олган электроника, радиотехника ва (ёки) электроника қонунларига асосланиб ишлайдиган маҳсулот, ускуна, аппаратура ёки уларнинг таркибий қисмлари.

Индустриал радиохлақитлар манбалари асосан қуйидагилардан иборат: электр транспортлари (трамвай, троллейбус, электропоездлар ва ҳ.к.), ички ёнув двигателларидан ташкил топган қурилмалар, саноат, илмий, тиббий ва маиший юқори частотали қурилмалар, электр узатиш линиялари ва электр подстанциялари, люминесцент лампалари ёриткичлар, симли алоқа қурилмалари ва объектлари, телевизион ва радиоэшиттириш қабул қилгичлари, хизматта оид радио қабул қилгич қурилмалари билан биргаликда эксплуатация қилинадиган ускуна ва аппаратура, қисқа муддатда индустриал радиохлақитларни юзга келтирувчи қурилмалар ҳамда тураржойларда фойдаланиладиган ёки электр тармоқларига уланадиган қурилмалар.

Самарқанд вилояти ҳудудида тайёр техник восита ишлаб чиқарувчи бир мунча йирик заводлар мавжуд. Жумладан:

- юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган "JV MAN Auto-Uzbekistan" ҚҚ;
- автобус ва юк автомобиллари

- и/ч "Сам авто" МЧЖ;
- мотоцикллар и/ч "SAM CHONG KENYU" ҚҚ;
- совутич ва музлаткичлар и/ч "Сино" АЖ;
- электропечлар и/ч "SAM-NUR-TAFVIZ" ҚҚни мисол қилиб келтириш мумкин.

Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси корхонаси томонидан юқоридаги корхоналарга хат орқали мурожаат қилиниб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг номлари, уларнинг мувофиқлик сертификатлари ҳамда ушбу техник воситаларнинг индустриал халақит меъёрларига текширилганлиги ҳақидаги баённомаларни тақдим этиш сўралган.

Синов ўлчашларида, ўчириб қўйиб синаладиган техник воситаларда аниқланган ўлчашларнинг ҳар бир частотадаги ташқи радиохлақитлар даражаси, агар индустриал радиохлақитлар учун норматив ҳужжатларда бошқа қийматлар кўрсатилмаган бўлса, нормадан камида 10 dB паст бўлмаслиги керак.

Ташқи радиохлақитлар нормалари камида 6 dBдан паст даражада бўлганида ўлчашларни ўтказишга йўл қўйилади. Ўлчаш частотасидаги ташқи радиохлақитлар ва сигнал техник радиовоситалардан ҳосил бўладиган индустриал радиохлақитлар йиғиндисининг қиймати меъёрдан ошмаса сигнал техник восита ўлчашларининг

ушбу частотадаги меъёрига мос келади, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 23 декабрда 1532-рақам билан рўйхатга олинган Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш, лойиқлаш, куриш, ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомининг 3-бандида ҳам индустриал радиохлақитлар қайси идоралар томонидан назоратга олиниши очиқ-ойдин баён этилган.

Индустриал радиохлақитларни бартараф этиш борасида жуда кўпчилик олимлар иш олиб борадилар. Уларнинг асосий йўлларидан бири бу бегона ташқи керак бўлмаган электр ва радио тўлқинларини тутиб қолувчи воситалар, яъни керакли филтрлардан фойдаланишни лозим топганлар.

Бундай усулнинг қўлланилиши, албатта, ўзининг ижобий самараларини бериб келган. Бугунги кунда радиоэлектрон воситаларнинг замонавий рақамли турга ўтиши ҳам радиохлақитларга сезиларли барҳам берапти.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
ассистенти

Қўштепаллик почтачилар

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Қўштепа почта алоқаси тармоғи ходимлари туман аҳолисига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида бутун куч ва ғайратларини сарфлашмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида аҳолига 313290,3 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатилиб, ҳисобот даври 197,0 минг сўмлик соф фойда билан яқунланди. Нашрлар сотуви, қўшимча хизмат кўрсатиш, жўнатмалар, нафақа тўловини тарқатиш режалари ортиғи билан ўдланди. Режаларнинг бажарилишида Олимжон Маматқулов бошлиқ Эшонгузар, Одинахон Зокирова раҳбарлигидаги Лангар, Лобархон Асқарова бош бўлган Оқтепа, Озодахон Содиқова бошқараётган Фишгмон ҳамда Малоҳатхон Абдурахимова етакчилигидаги Марказий почта алоқа бўлимлари ўрناк кўрсатишди. 2014 йилги обуна мавсумида тармоқда 580 миллион сўмдан ортиқ даврий нашрлар учун обуна уюштирилди. Аҳоли ва ташкилотларга сифатли почта

алоқаси хизмати кўрсатишда хабарчилардан Зуҳридин Муллажонов, Зуҳридин Турдалиев, Холматжон Саломовлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишди. Айни кунларда 2015 йил даврий нашрларига обуна режасини бажаришга астойдил киришилган.

Жамоада замонавийликка интилиш, ходимлар ва мижозларга қулай шароит яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Илғор жамоа ҳўжаликлари, ташкилот ва корхоналари ҳисобида бўлган почта бўлимлари бинолари тармоқ ихтиёрига ўтказилиб, ўз кучлари билан жорий таъмирдан чиқарилди. Сармозор, Равдон, Лангар қишлоқларидаги алоқа бўлимлари Қўштепа тумани ҳокимлигининг амалий ёрдамида янги мебел жиҳозлари билан таъминланди. Тармоқ ихтиёридаги "Дамас" ва "Тико" автомашиналари аҳолига сифатли почта хизмати кўрсатишда қўл келяпти. Факс, электрон ўтказмалар, хориж мамлакатларидан пул ўтказмалари, PAYNET, мобил телефон тўловлари сингари қўшимча хизмат турларидан фойдаланиляпти. Тармоқда

78 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар учун зарур шарт-шароит яратиб берилган. Чекка ва олис манзилларда ишлаётган саккиз нафар хабарчи велосипед билан таъминланган. Ёзги таътил мавсумида тармоқ ходимларининг 20 нафар фарзанди Фарғона туманидаги "Хумо" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб қайтди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоасининг қўллаб-қувватлаши натижасида тармоқдаги 16та алоқа бўлимидан 9таси компьютер жамланмаси билан таъминланиб, автоматлаштирилган иш ўрнига эга бўлди. Бунинг натижасида пенсия тўловлари "Пенсия" дастурига киритилиб, тўловлар бўйича назорат амалга оширилмоқда. Шунингдек, электр энергияси учун аҳолидан олинган тўловлар алоқа бўлимининг ўзида мижозларнинг базасига ўз вақтида тушириб боришмоқда. Тармоқда PAYNET хизмати ҳам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу хизмат турини жорий йилнинг охирига қадар тармоқнинг Бешкапа, Янгиариқ алоқа бўлимларида ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ
Фарғона вилояти

Доимо ёдимиздасиз

Андижон вилоят АКМада Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими, Ўзбекистон халқ демократик партияси вилоят кенгаши, Андижон Давлат тиббиёт институти, "Маърифат Олтин мерос" жамияти вилоят бошқаруви ҳамкорлигида ўтказилган анжуман Андижон номини мамлакатимиз ва дунёга танитган улуғ инсонлар хотирасига бағишланди. Унда "Кўҳна Андижон улуғлари" номли рисола тақдими ўтказилди.

Рисолага киритилган Одилхонқори Абдусалом Махдум ўғли, Омонуллох Тўра Валихонов, Исмоилжон Эрматов, Ваҳобжон Дадабоев, Уста Юсуфали Мусаев, Ҳошимжон Мамажонов, Матлубахон Солиева, Зокиржон Собиров каби улуғ инсонларнинг оила аъзолари ва шогирдлари ота-боболарининг босиб ўтган ҳаёт йўли, уларнинг фидойиликларини тўқинлашиб ёдга олиши, ушбу савобли ишга қўл урган ташкилотчиларга ҳамда рисола муаллифларига самимий миннатдорликларини билдиришди.

Н.АЗНАБАЕВА

ОБУНА-2015

АСЛО АДАШМАЙСИЗ

Мана, 2015 йил учун ҳам матбуот нашрларига обуна мавсуми қизғин бошланиб, муштарийлар ўзлари севиб мутолаа қиладиган газета-журналларига обуна бўлишга ошиқмоқдалар. Жумладан, биз алоқачилар ҳам, таҳририят томонидан обуначилар учун яратилган имтиёزلардан фойдаланиб, сеvimли газетамиз – "Xabar"га обуна бўлсак, асло адашмаймиз.

Мен газетанинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқийман. Газета саҳифаларида ёритилаётган янгилик, хабарлардан, алоқа тизимларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлаётганимдан, жойлардаги касбдош алоқачиларимизнинг ибратли ишлари, қўлга киритаётган ютуқлари, ҳаёт йўллари ҳақида ёритилаётган бир-бирдан ўқишли мақолалардан маънавий озуқа олаётганимдан хурсандман.

Касбдошларимнинг "Xabar"га бўлган қизиқишларини кўрсам, гапнинг очиги, кайфиятим кўтарилади. Гоҳида буш пайтларимда қўлимга қоғоз-қалам олиб, касбдошларимнинг ишлари тўғрисида газетамизга мақолалар ёзмаман, аксарияти газета саҳифаларида чоп этилаётганини кўриб чексиз қувонаман.

Хуллас, яқин маслақдошимиз бўлиб қолган газетамиз "Xabar"га хурсандчилик билан обуна бўлсангиз, асло адашмайси.

Асқарали АНБАРЖОНОВ,

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Сўх ТБ ходими

Қадри муштарийлар
"Xabar" газетасига
2015 йил учун обуна
давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичлари:
оддий — 228,
имтиёзли — 3228



Паркент ижтимоий-иқтисодиёт коллежи томонидан Ботирова Ҳилола Анвар қизи номига 2014 йили берилган К 3438830-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги "Бостон" академик лицейи томонидан Шаҳноза Нураддинова Раҳимова номига 2012 йили берилган L 129943-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент маданият коллежи томонидан Жўраева Зиёда Олим қизи номига 2014 йили берилган К 0223443-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи томонидан Таиыр Абдуллаевич Абдукаликков номига 2009 йили берилган К 1390477-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2-Республика тиббиёт коллежи томонидан Икромова Муниса Аҳрор қизи номига 2013 йили берилган К 3177816-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи томонидан Қориев Улуғбек Зухриддин ўғли номига 2012 йили берилган К 2730769-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Сергели тумани 6-ихтисослаштирилган мактаб томонидан Умид Муҳаммаджанович Собиров номига 2007 йили берилган OR-SH 0753242-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи томонидан Муҳаммадиева Умида Барат қизи номига 2013 йили берилган К 0208085-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи томонидан Рустам Тимурович Тухватулин номига 2012 йили берилган К 2730974-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодий коллежи томонидан Нажмиддинов Низомиддин Ҳусниддин ўғли номига 2014 йили берилган К 3453398-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети KOICA ва Samsung компанияси билан ҳамкорликда ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ТАТУ-2014 ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лойиҳани қайд этиш ва топшириш: 15.10.2014 — 30.11.2014.

Танлов лойиҳаларини саралаш: 01.12.2014 — 06.12.2014.

Яқуний босқич ва натижалар эълони: декабрнинг иккинчи ҳафтаси.

Йўналишлар	Соҳа	Лойиҳа мавзуси
Javaда дастурлаш	Android	Эркин мавзу
C++/C#/Delphiда дастурлаш	Windows илова	Эркин мавзу
Web-дастурлаш		Эркин мавзу

Ўтказиш жойи: ТАТУ.

Иштирокчилар: ТАТУ ва унинг филиаллари талабалари (бакалавр ва магистрлар); ТАТУ қошидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари.

Лойиҳада иштирок этувчилар сони: ҳар бир лойиҳада кўпи билан 4 киши иштирок этиши мумкин.

Совринли ўринлар: Ҳар бир йўналиш бўйича 3та совринли ўрин (олтин, кумуш, бронза).

Танловда қатнашиш учун топшириладиган ҳужжатлар рўйхати — лойиҳа номи; лойиҳа мақсади (лоийҳа бўйича қисқача аннотация); лойиҳа дастур коди (SourceCode); Power Pointда тақдимот; лойиҳа иштирокчилари анкети (барча талаб этилган ҳужжатлар дискда тақдим этилади).

Баҳолаш мезонлари: Мавзу долзарблиги; креативлик-оригиналлик; технологиклик; самарадорлик.

Компетентли комиссия: KOICA, Samsung, ТАТУ, академик лицей ва касб-хунар коллежлари вакиллари.

Ташкилий кўмита:

Раис — ТАТУ ректори Ҳ.А.Муҳитдинов.

Раис ўринбосари — ТАТУ проректори Ли Чул Су.

Аъзолари — "АТДТ" кафедраси мудири Б.Б.Ақбаралиев (ТАТУ), "ИА" кафедраси мудири Қ.С.Раҳмонов (ТАТУ), "АТ" кафедраси мудири Н.В.Гринюк (ТАТКХ), махсус фан ўқитувчиси О.А.Жабборов (ТАТУ қошидаги М.Улуғбек АЛ), махсус фан ўқитувчиси А.Р.Азаматов (ТАТУ қошидаги 2-АЛ).

Богланиш учун маълумот:

ТАТУ, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй,

тел: (0371) 238-65-07, (0371) 238-64-53, (0371) 238-65-67.

Веб-сайт: www.tuit.uz;

E-mail: b.akbaraliev@tuit.uz, q.raxmanov@tuit.uz

Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турда иштирок этиб, 44 медал, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритишди.



ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ

ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайд

Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг катта қисми олимпия спорт турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз ҳиссасига тўғри келди. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Рустам Аскалов, Дилшоджон Турдиев, Бекзод Абдураҳмонов, Рашид Курбонов ва бошқа полвонларимиз ўзбек кураш мактабининг юксак салоҳиятини намойиш этиб, 3 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритишди.

— Бу менинг Осиё ўйинларидаги биринчи иштироким ва илк олтин медалимдир, — дейди эркин кураши Бекзод Абдураҳмонов. — Президентимиз томонидан ёш спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрлик, оилам ва яқинларимнинг муҳаббати шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишимга куч берди.

Таэквондо (WTF) бўйича Жасур Бойқўзиев олтин медалга сазовор бўлди. Ака-ука Никита ва Максим Рафаловичлар, Дмитрий Шокин кумуш медаллар билан тақдирланди.



Гимнастикачи қизларимиз Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Валерия Давидова ва Равиля Фархутдинова юқори тайёргарлик ва ғалабага бўлган катта иштиёқни намойиш этишди. Уларнинг ҳалқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Жанубий Корея, Хитой Тайпейи, Хитой, Япония, Қозоғистон ва

бошқа давлатлар вакиллари билан доғда қолдириб, мамлакатимизга наватдаги олтин медалларни келтирди.

Ёш оғир атлетикачимиз Маҳлиё Тоғасева ҳам беллашуларда ўзининг юксак маҳоратини намойиш этди.

Ушбу мусобақаларда энгил атлетикачиларимиз ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритишди. Лондон Олимпиадаси финалчиси Светлана Радзивиц баландликка сакраш мусобақасида 1 метру 94 сантиметр натижа кўрсатиб, хитойлик рақибини орта қолдирди ва олтин медални қўлга киритди.

Кумуш медал соҳиби, энгил атлетикачи Леонид Андреев ҳам мухлису мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. У ўзининг юксак маҳоратини намойиш этиб, 100 метрга югуриш, узоқликка сакраш, ядро улоқтириш ва баландликка сакрашда юқори натижалар кўрсатди.

Энгил атлетикачиларимиз Надежда Дусанова ва Иван Зайцев ҳам иккита бронза медалига эга бўлишди.

Боксчиларимиздан Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадраимов кумуш, Ойбек Мамазулонов ва Мирзохиджон Абдуллаев бронза медалларига сазовор бўлди.

Эшқак эшувчи спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, 5 медални қўлга киритдилар. Мамлакатимиз терма жамоасининг ғалабали одимларини иқтидорли спортчимиз Алексей Мочалов бошлаб берди. У 1000 метр масофага байдаркада эшқак эшиш баҳсларида Эрон, Қозоғистон ва Хитой вакиллари орта қолдирди. Иккинчи бўлиб пойгага икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков чиқди. У 1000 метр масофага каноэда эшқак эшиш баҳсида Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан ўзиб кетиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Каноэда жуфтлик пойғаларида қатнашган Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев дуэти Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди. Байдаркада эшқак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропин ҳам бронза медални қўлга киритиб, мухлисларни хурсанд қилди.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганини яна бир карра намойиш этди.

ЎЗА

Анвар ИЛЁСОВ олган суратлар

ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗ

ПараОсиё ўйинларига жўнаб кетишди

8-24 октябр кунлари Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ПараОсиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг 42 давлатидан 4500 нафарга яқин спортчи 23та спорт тури бўйича медаллар учун баҳс олиб боради.

ПараОсиё ўйинлари дастуридан — (олимпия оиласига мансуб спорт турлари) камондан ўқ отиш, энгил атлетика, бочча, велоспорт, футбол 5х5, футбол 7х7, голбол, дзюдо, пауэрлифтинг, байдарка, парус спорти, ўқ отиш, ўтирган ҳолатда волейбол, сузич, стол тенниси, баскетбол, спорт рақслари, қиличбозлик, регби, теннис, шунингдек, Паралимпия ўйинлари дастурига киритилмаган — бадминтон, 10-кегеллий боулинг ва боулз спорт турларида мусобақалар ташкил этилади.

● Реклама ва эълонлар

Тошкент ахборот технологиялари университети қўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири: Телерадиоэшиттириш тизимлари

Доцент: Ахборот технологиялари - 1, Телекоммуникация инжиниринг - 1, Мултимедиа технологиялари - 1, Менежмент ва маркетинг - 1, Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш - 1, Гуманитар фанлар - 1, АКТ соҳасида иқтисодиёт - 1.

Катта ўқитувчилар: Телестудиялар тизимлари ва иловалари - 1, Гуманитар фанлар - 1, Почта алоқаси технологиялари - 1, Аудиовизуал технологиялар - 1, Мултимедиа технологиялари - 1, АКТ соҳасида иқтисодиёт - 1, Ахборот технологиялари - 1, Ўзбек ва рус тиллари - 1, Жисмоний тарбия - 1, Телестудиялар тизимлари ва иловалари - 1, Ахборот-таълим технологиялари - 1, Информатика асослари - 1.

Ассистент (қўйтувчилар): "Чет тиллари" кафедраси - 1, Оптик толали диниялар ва ўлчов тизимлари - 1, Ахборот-таълим технологиялари - 1, Олий математика - 1, Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш - 1, Информатика асослари - 1, Мобил алоқа технологиялари - 1, Менежмент ва маркетинг - 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Телефон: 238-64-06.



ООО "САМИНТЕККОМ"

ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

■ Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CARTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

■ Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой. Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г. Самарканд.

Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

JAHON ADABIYOTI

Ли Ми Е

ЎҒРИНЧА ДАРС

Болалик чоғларимда қўшни ҳовлида бир қўли йўқ бола яшарди. У ўн икки ёшлар чамаси бўлиб, биз мактабга борадиган маҳалда ўз уйининг томига чиқар ва ҳовлимизни томоша қилиб ўтирар эди. Кимдир ўзига нигоҳ ташлаётганлигини сезса, шу заҳотиёқ ўзини панага олар, негадир одамларнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилар эди. Баъзан дадамга:

— Дадажон, анови боланинг қўли йўқ экан. Шунинг учун мактабга олишмаган экан, — дердим мен. Дадам эса афсус билан бошини сарак-сарак қилиб кўярди.

Бир куни кечқурун дадам ертўлада ётган синиқ стол-стулни олдидан чиқди ва болга-мих олиб таъмирлашга тушди. Стол "оёқчали" бўлгач, ҳовлининг қоқ ўртасига ўрнатди.

— Қани, қизим, бери кел! — дея чақирди дадам. — Бугундан бошлаб мен ўзим мана шу жойда сенга дарс бераман.

Шундай қилиб кечалари дадамнинг қўл остида дарс қиладиган бўлдим. Қор ёки ёмғирли кунлардан ташқари ҳар куни дадам менга шахсий муаллимлик қилар эди. У қўлимга китоб тутқазаркан:

— Қани, бутун мактабда ўрганганларингни баланд овозда ўқиб бер-чи, — дерди. Мен эса вақт алламаҳалга қадар кучаниб-кучаниб китоб мутулаа қилардим.

Бир куни дадам ишдан келиб, гап очиб қолди:

— Қизим, қўшни бола бу ердан кўчиб кетарканми?

Кундузи қўшни ҳовли олдида юк машинасини кўргандим.

— Ҳа, шунақа бўлса керак, — дедим мен.



(Хикоя)

— Тушунарли, — деди дадам афсус билан. — Ишқилиб қаерга борса ҳам ўқини ташлаб қўймасинда болакай.

Мен дадамнинг сўнги сўзларини унчалик тушунмадим. Лекин буни орадан бир неча йил йиллар ўтгачина англадим.

Кунларнинг бирида уйимизга почта орқали бир қутича олиб келишди. Юбурчининг номи ҳам, манзили ҳам номаълум. Дадам ҳайратини яширолмаб қутичани аста очди. Қутичадан янги бир китоб ва хат чиқди.

"Йигирма йил аввал сизга қўшни ҳовлида яшаган бир ноғирон болани эслаб оласиз, деб умид қиламан", деб бошланади хат. "Ушанда ҳовлингизда қизингиз билан олиб борган дарсларингизни яширинча қузатиб, жуда қизиққанлигимдан томда ўтириб таълим олган эдим. Кеч бўлса-да миннатдорлигини қабул қилинг".

Уша нимжонгина ноғирон болакай дадамнинг ҳовлидаги дарсларини эшитиб, ўрганиб, бу ердан кўчиб кетгандан сўнг ҳатто университетга ўқишга кирибди. Қутичадаги китобни ўша ноғирон бола ёзганлигига ишонгим келмасди. Уша куни дадамнинг хонасидаги чироқ тонггача ўчмади.

Корейс тилидан Отабек ЙЎЛДОШЕВ таржимаси

Тулки

(Ҳажвия)

Меҳридин полвон катак курди. Ҳафта ўтиб бозордан бешта товуқ сотиб олди. Катта ҳовлида товуқлар яйраб қолди. Меҳридин полвоннинг дас-турхонига барака кирди. Ҳар куни уч-тўртта тухум дегандай...

Хонадонда қари кўппак Чўммоқнинг ташвиши кўпайганини айтмаса, ҳамма иш жойида эди. Чўммоқ ҳовли атрофида бошланган ғимир-ғимирлардан хавфсираб кечалари безовта бўлиб чиқар, катак атрофида ўралашиб қолганларни пойлаб, тонг оттирарди. Бир неча бор бир тулкини тутиб олишига сал қолди. Аммо қариллик сабаб, уддасидан чиқолмади. Бунини ўзи ҳам сезди. Шунинг учун тулкининг шарпаси сезилди дегунча, хуришга зўр берар, зўриққанидан орқаси оғриб кетарди.

Кўппакнинг безовталиги хонадон соҳибига ҳам ўтди. Ярим тунда уйқуси учиб, ҳовли айланадиган бўлди. Ёнига эгаси қўшилгач, кўппак хотиржам тортиди.

Кўза кунда эмас, куниди синар экан. Бир куни тулки хонадон соҳибини ҳам, қари кўппакни ҳам доғда қолдириб, катакдаги кулангирлардан бирини бўғизлаб судраб чиқди. Аммо емади, пойлаб келиб, уйку элитган кўппакнинг олдига ташлади. Ўзи эса лип этиб панага ўтди. Шарпадан чўчиган Чўммоқ зўр бериб, ҳар томонга қараб хура бошлади. Ўзига келгач, бир қадам нарида ётган товукни кўрди. Бориб ҳиллади. Кечикканидан афсусланиб гингшиворди. Шовқинни эшитган Меҳридин полвон уйдан шошиб чиқиб, ўлакка товукни ҳиллаб турган кўппакни кўриб жонпони чиқиб кетди.

"Ҳали шу ярамасга ишониб юрибманми", деди эшик ёнида турган калтакни ола солиб, бўғизланган товук ёнида турган кўппакни савалай кетди. Устма-уст тушаётган зарбга чидай олмаган Чўммоқ гингшиганича қийшанглаб, зўрға қочиб қутулди. Ўзини ўнглаёлмай, икки-уч кун хашақлар орасида ётиб юрди. Ахён-ахёнда оғриқ зўриданми ё тулкининг ҳайласига чув тушганига алам қилибми, ув тортиб юборарди.

Тулки барибир тулкилигини қилди. Бу орада бемалол келиб товукларнинг қолганини ўмариб кетди.

Меҳридин полвон одам бўлса ҳам бу синоатта тушунмади. Чўммоқ эса бир қулоч тили бўлатуриб, тушунтира олмаганидан пушаймон, "ув" тортиб кўярди. Бўлган воқеа шу!

Ўқтам МИРЗАЁР

BRENDOMANIYA



Eighty-20. Хориздаги кичик консалтинг фирмаси (таржимаси "Саксон-20"). Кўплар унинг номи фаолиятига умуман мос келмайди, деган фикрда. Бироқ логотипидаги тўқ рангли квадратларни бирликлар, оч ранглиларини нуллари деб тасаввур қилсангиз, ҳаммаси ойдинлашади: тепа қатор 1010000, пастки қатори 0010100 деб ўқилади, бу иккилик тизимда 80 ва 20ни англатади.

Табриклабимиз!

"Ўзбектелеком" АК
Қашқадарё филиали
Қамашни
телекоммуникациялар
боғдамаси жамоаси
оператор Дилбар
ДЎСҚОБИЛОВАни 50
ёши билан табриқлайди.
Унга узоқ умр, мустаҳкам
соғлиқ тилайди.

Дунёдаги энг катта пиёз



Гиннесснинг рекордлари китобида дунёдаги энг йирик пиёз сифатида киритилган ушбу сабзавотнинг оғирлиги 8,5 килограммни ташкил қилади. У британиялик боғбон Тони Гловер томонидан етиштирилган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустан ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфиалло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Газета
haftaning
жума кунини
чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Ташкент шаҳри,
"Булок Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1065 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бېғими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10026 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Ташкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. Е-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲЎДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукуста 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Топкенгнда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99